БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 213 (17.495). • 15 сентябрь 1979 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ПАХТАНИ ТЕЗ ВА СОЗ ТЕРАЙЛИК!

ҒАЛАБА РАЙОНИ КОММУНИСТЛАРИНИНГ 1979 ЙИЛДА ПАХТАНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ВА ТАЙЁРЛАШ ДАВРИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА СИЕСИЙ ИШЛАРНИ КУЧАЙТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ғалаба районы коммунистларининг 1979 йилда пахта ҳосилини тез ва самарали йиғиб-териб олиш борасидаги партиявий-сиёсий тадбирларини кўриб чиқди ва маъқуллади. Қабул қилинган қарорда қайд этиладики, Тошкент областидаги Ғалаба районининг меҳнаткашлари партия XXV съездининг қарорларини амалга ошира бориб халқ хўжалигини ривожлантиришда муттасил юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Беш йилликнинг уч йили ичида давлатга 182 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» сотилди, шундан 23.5 минг тоннаси пландан ташқаридир. Гектар бошига ўрта ҳисобда салкам 40 центнердан ҳосил олинди. Машина терими салмоги 90 процентни, бир центнер пахтанинг таннархи 30 сўмни ташкил этди.

Бу йил район деҳқонлари гектар бошига 40 центнердан кўпроқ ҳосил кўтариш, ялпи ҳосилнинг 95 процентини машиналарда териб олиш ва давлатга 61 минг тонна, яъни пахта тайёрлаш умумий ҳажмида кўзда тутилганига қараганда 7 минг тонна кўп пахта сотиш мажбуриятини қабул қилдилар.

Район партия ташкилотлари пахтакорларни мислсиз сер ёмғир ва совуқ келгаи баҳор туфайли вужудга келган қийинчиликларни бартараф этишга сафарбар қилдилар. Барча меҳнаткашларнинг ва биринчи навбатда коммунистлар билан комсомолларнинг юксак уюшқоқлиги, фидокорлиги ва ташаббуси туфайли пахтадан мўл ҳосил етиштирилди.

Ғалабаликлар машина теримини 25 сентябрда бошлашга ва плани 20 кун ичида 15 октябргача, 6—7 кундан кейин эса юксак социалистик мажбуриятларни бажаришга аҳд қилдилар.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари, совет органлари мутахассислар билан активларнинг фаол иштирокида йиғим-терим давридаги ташкилий-оммавий ва ғоявий-сиёсий ишлар комплекс планини ишлаб чиқдилар. бу план муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ҳамма пахта териш техникаси, транспорт воситалари оталиқ ташкилотларнинг актив иштирокида ўз вақтида ремонтдан чиқарилди. Пахта заводлари, тайёрлов пунктлари ва қуритиш-тозалаш цехлари пахтани узлуксиз қабул қилиб олишларини кўзда тутувчи тадбирлар кўрилди. Ишни икки сменада ташкил этиш учун механизаторлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди.

Пахтачилик хўжаликларида 35 та терим транспорт отряди тузилди, мана шу отрядлар составига далаларни тайёрловчи, пахта терувчи ва ташувчи, машиналарга техникавий хизмат кўрсатувчи, ишчи ва колхозчиларнинг овқатланишини ташкил қилувчи, ерларни шудгорловчи ихтисослаштирилган 463 та звено қўшилди.

Болалар боғчалари ва ясларининг иши ташкил қилинди, йиғим-терим қатнашчиларига медицина хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди.

Район партия комитети партиявий таъсирни кучайтириш мақсадида коммунистларнинг жой-жойига қўйилишини қайта кўриб чиқди. КПСС аъзоларидан 150 кишини пахта йиғим-терининг ҳал қилувчи участкаларига юборди. Терим транспорт отрядларида ва кўпгина звеноларда 65 та муваққат партия группалари тузилди.

Районда йиғим-терим ишларига конкрет раҳбарлик қилиш учун район партия комитетининг биринчи секретари бошчилигида штаб тузилди. Худди шундай штаблар ва оператив группалар ҳар бир хўжаликда ташкил қилинди.

Агитация-пропаганда кадрлари тасдиқланди. Халқ контроли постлари ва комсомол прожектори штаблари қўшимча равишда тузилди. Райрн матбуот марказн ташкил этилди ва у ишлай бошлади.

Районда хўжаликлар, бригадалар, механик ҳайдовчилар орасида социалистик мусобақа уюштирилди.

Чиқарилаётган жанговар варақалар ва «Молния»лар, район газетасининг материаллари, маҳаллий радиоэшиттиришлари, агитаторлар ва сиёсий ахборотчиларнинг чиқишлари натижаларининг ошкоралигини, илғорлар тажрибасининг оммалаштирилишини таъминламоқда. Хўжаликларда дала ишларининг иш якунлари ҳар куни чиқарилиб турибди. Ғоявий таъсирнинг ҳамма воситалари конкрет мақсадга: пахтанинг юксак сифатини таъминлаш ва ҳосилни қисқа муддатларда нобудгарчиликка йўл қўймай йиғиб-териб олишга қаратилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ғалаба район партия комитетининг 1979 йилда пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш давридаги партиявий-сиёсий ишлар борасидаги тадбирларини маъқуллаб, область, район партия комитетларига, пахтакор колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига Ғалаба район партия комитетининг ҳосилни машиналар билан қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш соҳасидаги тажрибасини муҳокама қилиб, ундан фойдаланиш, пахта териш техникаси ва механизмларини самарали ишлатиш, пахтани бригадалар бўйича алоҳида-алоҳида тошириш усулини кенг қўлланиш вазифасини топширди. Оммавий-сиёсий ишларнинг, маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг ҳамма формаларини йиғим-терим мавсумини муваффақиятли ташкил этиш ва ўтказишга бўйсундириш лозим.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик, Пахта тозалаш саноати министрликлари, «Госкомсельхозтехника», «Главсредазирсовхозстрой» Ғалаба район партия комитети иш тажрибасининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини таъминлашлари ва бу тажрибани оммалаштириш ҳамда қўллашнида колхоз ва совхозларга, қишлоқ хўжалик органларига амалий ёрдам беришлари шарт.

Республика газеталарининг редакцияларига ва Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига Ғалаба район партия комитетининг иш тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ёритиш, янги-янги ташаббусларни зўр ғайрат билан пропаганда қилиш, республика меҳнаткашларини давлатга 5 миллион 700 минг тонна «оқ олтин» топпиришдан иборат социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этиш таклиф қилинди.

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети, ГДР Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси ГДР ташкил этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан шу йил октябрь ойининг бошларида расмий дўстлик визити билан Германия Демократик Республикасига боради.

ЭФИОПИЯ ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

АДДИС-АБЕБА, 14 сентябрь (ТАСС махсус мухбири). Бугун Социалистик Эфиопия пойтахтида Эфиопия революциясининг беш йиллиги муносабати билан Эфиопия революцион армияси қисмларининг паради бўлиб ўтди.

Парадни Эфиопия мудофаа министри бригада генерали Тайе Тилахун очди. У расмий дўстлик визити билан бу ерга келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинни, шунингдек чет эллик бошқа меҳмонларни самимий табриклади. Министр ўз нутқида Эфиопия халқи революцион ғалабаларни ҳимоя қилиш ишида Совет Иттифоқининг катта ёрдами ва мададини қайд этиб ўтди.

Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий-маъмурий кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Менгисту Хайле Мариам нутқ сўзлаб, қуйидагиларни айтди: Эфиопия халқ оммасининг ички ва ташқи реакция билан даҳшатли олишувларда қўлга киритган ғалабалари Эфиопия революциясининг яшашга қодир эканлигини, унинг антиимпериалистик характерини яққол намойиш этди.

У мамлакат меҳнаткашларини, революцион армия жангчиларини бирлик ва жипсликни мустаҳкамлашга, ватанни иқтисодий ва маданий ривожлантириш манфаатлари йўлида фидокорона меҳнат қилишга, Эфиопияда янги социалистик жамият барпо этиш мақсадида марксизм-ленинизм идеологиясини эгаллашга даъват этди.

ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ КОМИТЕТЛАРИДАН

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитети ҳамда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитети маълум қиладиларки, 1980 йилги Ленин мукофотларини олиш учун ишларни қабул қилиш 1979 йил 16 октябрь тугайди. 1980 йилги СССР Давлат мукофотларини олиш учун ишларни қабул қилиш 1979 йил 15 декабрда тугайди.

ИНСТИТУТ ЮБИЛЕЙИ

САМАРҚАНД («Совет Ўзбекистони» мухбири). В. В. Куйбишев номли Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг 50 йиллиги кенг нишонланди. Институтда ўтказилган тантанали йиғилишда қардош республикалардан келган меҳмонлар ҳам иштирок этдилар.

Юбилей йиғилишини Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Раҳимов очди. Билим даргоҳининг ярим асрлик йўли ҳақида институт ректори Қ. Ҳотамовнинг доклади тингланди.

Юбилей қатнашчилари қўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ А. А. УРКИНБОЕВГА ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМИ ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Партия, совет, қишлоқ хўжалик органларида узоқ йил самарали ишлаганлиги ва республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри Ўртоқ Абдукарим Абдуқодировичи **Уркинбоевга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими** фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1979 йил 14 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎРМОНЧИЛАР БАЙРАМИ

Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги ходимлари ўз байрамини меҳнатда катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Неча юз минг гектарлаб ўрмонзорлар барпо этилди, чорвачилик, асаларичилик маҳсулотлари етиштириш кўпайди.

Ўрмон ходимлари кунига бағишланиб 14 сентябрь куни Тошкентда тантанали йиғилиш ўтказилди. Республика ўрмон хўжалиги министри С. М. Тоиров доклад қилди. Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. С. Ашуралиев қатнашди.

(ЎзТАГ).

МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙЛИК, ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Мамлакатнинг энг йирик қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларидан бири — Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти социалистик деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Бу институтни битириб чиққан минг-минглаб ёшлар Жиззах ва Қарши далаларида. Ноқоратўпроқ зонада, Туямўйинда, Ўзбекистоннинг барча областларида, кўпгина қардош иттифоқдош республикаларда меҳнат қилмоқдалар. Бу олий ўқув юртининг профессорлари, ўқитувчилари юқори малакали инженер-кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда ирригация ва мелиорациянинг, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг комплекс электролаштириш ва автоматлаштиришнинг, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини юксалтиришнинг актуал проблемаларини ишлаб чиқмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 14 сентябрь куни шу институтда бўлди. У олий ўқув юртининг кафедраларини бориб кўрди, олимларнинг кам захарли янги дефолиантларни вужудга келтириш, автоматлаштирилган гидротехника системаларининг лойиҳаларини, тузиш, қоқи ва мойиз тайёрлайдиган ғоят унумли установкалар конструкцияларини яратиш соҳасидаги ишлари билан танишди.

Шундан кейин йиғилиш бўлди. Бу йиғилишда институт коллективининг янги ўқув йилидаги вазифалари муҳокама қилинди. Йиғилишни институт ректори, профессор С. И. Искандаров очди. Йиғилишда кафедра мудири профессор Ҳ. А. Аҳмедов, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги олий қишлоқ хўжалик ўқув юртлари бош бошқармасининг бошлиғи И. П. Макаров, институт студенти И. Валижонова сўзга чиқдилар.

Йиғилишда Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. У Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари олдида халқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида катта вазифалар турганлигини таъкидлаб ўтди. Бу вазифалар КПСС XXV съездининг, партия Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида белгилаб берилди. Республикамизда яқин йиллар ичида неча юз минг гектарлаб янги ерларни ўзлаштириш, сув омборлари, каналларни, чорвачилик комплексларини қуриш керак. Ҳамма жойда ишнинг кўзини яхши биладиган малакали, юксак даражада онгли ёш мутахассислар керак. Уларнинг куч-ғайратларини сарф қилишлари учун кенг имкониятлар очиб берилади. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг олий мактабларни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорида кўрсатиб ўтилганидек, инженер кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш зарур. Олий ўқув юртларнинг коллективи илмий тадқиқот ишларини анча юксак даражага кўтаришлари, бу ишларни ҳаёт билан, ишлаб чиқариш билан боғлаб олиб боришлари керак. Жумладан, институт олимлари ўз куч-ғайратларини пахтачилик учун ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун ғоят унумли ишлайдиган машиналарни вужудга келтириш, ирригация ва мелиорациянинг янги методларини ишлаб чиқишга сарф қилишлари лозим.

Йиғилиш қатнашчилари институт коллективи ўз олдига қўйилган вазифаларни шараф билан бажаришга аҳд қилганлиги ҳақида гапирдилар.

Йиғилишда партия, совет ходимлари, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрликларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ХУШ КЕЛИБСИЗ, ТУНИСЛИК ДЎСТЛАР!

Тошкент билан Тунис бир неча йилдан буён маҳкам алоқа боғлаб келмоқда. Уларнинг дўстона ҳамкорлигини ривожлантириш тарихида янги саҳифа очилди — Ўзбекистон пойтахтида Тунис ҳафталиги бошланди. Бу ҳафталикда қатнашиш учун Тунис мэри Салоҳ Ауиж бошчилигидаги делегация олис Африка шаҳридан бу ерга келди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Ҳудойбердиев 14 сентябрь куни делегацияни қабул қилди.

Меҳмонлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, ундаги янги уй-жой кварталларини кўздан кечирдилар. Улар В. И. Ленин ҳайкалига ва номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйишди.

Тунислан келган меҳмонлар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ва унинг ижроия комитетининг фаолияти билан танишдилар. Уларни кўп нарса — шаҳар хўжалигининг ривожланиши ҳам, қурилиш, транспортни ташкил этиш ҳам, гражданларнинг сиҳат-саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари қандай ҳал этилаётганлиги ҳам, мактаблар, олий ўқув юртлари ўз ишини қандай уюштираётганлиги ҳам қизиқтирди.

Шу куни тошкентликлардан кўп киши Халқлар дўстлиги музейида бўлди. Бу музейда Тунис рассомлари чизган кўп расмлар кўргазмаси очилди. Кўргазма ана шу мамлакат халқларининг ўзига хос санъатини акс эттиради.

Кечқурун «Баҳор» концерт залида Тунис ҳафталигини тантанали суратда очиш маросими бўлди. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари қардош тутинган шаҳардан келган меҳмонларни самимий табрикладилар, тошкентликлар Тунис билан дўстона муносабатларни бундан буён ҳам мустаҳкамлашга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган ҳамма ишларни бажаришга интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Делегация бошлиғи Салоҳ Ауиж Тунис аҳолисининг тошкентликларга йўллаган энг яхши истакларини изҳор қилди. У Тошкент билан Тунис ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш муҳим эканлиги ҳақида гапириб, қардош тутинган шаҳарлар ҳаракати халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб таъкидлади.

«Баҳор» залидаги кеча Ўзбекистон санъат усталари ва Тунис артистларининг концерти билан тугади.

(ЎзТАГ).

Суратда: тунислик меҳмонлар.

ПАХТА ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борши тўғрисида шу йил 14 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида);

Сурхондарё	0,75	4,77
Бухоро	0,90	4,51
Қашқадарё	0,88	4,42
Фарғона	0,43	0,92
Андижон	0,13	0,34
ҚҚАССР	0,13	0,22
Наманган	0,11	0,21
Тошкент	0,04	0,14
Сирдарё	0,02	0,07
Хоразм	0,05	0,05
Самарқанд	0,01	0,03
Республика бўйича:	0,31	1,41
Шу жумладан машинада		
Қашқадарё	0,11	0,44
Сурхондарё	0,05	0,10
Республика бўйича:	0,01	0,04
Шу жумладан нигичка толали пахта		
Сурхондарё	0,32	3,13
Қашқадарё	0,17	0,58
Бухоро	0,10	0,34
Республика бўйича:	0,24	2,08

ДЕФОЛИАЦИЯ КАНДАЙ БОРЯПТИ

Республика областларида дефолиациянинг борши ҳақида шу йил 14 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда дефолиация қилинган майдон (планга нисбатан процент ҳисобида); учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Сирдарё	9,3	31,0
Қашқадарё	4,8	19,6
Жиззах	6,3	16,0
Тошкент	6,0	14,2
Сурхондарё	3,1	10,6
Наманган	2,3	5,3
ҚҚАССР	0,8	2,0
Андижон	0,8	1,9
Бухоро	0,3	1,1
Хоразм	0,4	0,5
Самарқанд	—	—
Фарғона	—	—
Республика бўйича	2,9	8,9

ХОРАЗМЛИКЛАР ТЕРИМГА ТУШИШДИ

УРГАНЧ, 14 сентябрь. (ЎзТАГ мухбири). Хоразм тайёрлов пунктларига дастлабки бир неча юз тонна пахта топширилди. Область деҳқонлари социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш, гектар бошига 40 центнердан ошириб пахта териш учун етарли мўл ҳосил етиштирганлар. Ўнлаб бригадалар бундан ҳам юқори маррани қўлга киритишга — гектаридан 60—65 центнер пахта олишга аҳд қилганлар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Ҳазораспдаги Фрунзе номли колхоздан Салай Худойқулов, Боғотдаги Наркманов номли колхоздан Зариф Қурбанов, шу колхоз аъзоси СССР Давлат мукофотининг лауреати Ҳожи Саидов, бошқа пахтачилик мирзаларнинг бошлиқ коллективлар шулар жумласига кирди.

Биринчи пахта карвони келиши муносабати билан Хива пахта заводида митинг бўлди. Митингда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов нутқ сўзладилар.

СУФАНУВОНГ ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТДИ

Лаос Халқ-революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Лаос Халқ Демократик Республикасининг Президенти, Олий халқ мажлисининг раиси Суфанувонг ўз ватанига қайта туриб, 14 сентябрь куни Тошкентда тўхтаб ўтди. У блокларга қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг VI конференциясида қатнашган эди.

Лаос Халқ Демократик Республикаси, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари билан безатилган аэропортда меҳмонни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси С. Ҳ. Сирожиддинов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Меҳмон Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлди.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

▲ Бухоро область Қизилтепа районидаги Жданов номли колхознинг Шукур Қўлдошев бригадаси аъзолари катта зафар қучдилар. Она-Ватанга пландаги 75 тонна ўрнига 105 тонна «оқ олтин» топширилди. Янги ўзлаштирилган 50 гектар майдондан юқори ҳосил олинди. Бригада азаметлари ҳар гектар ердан пландаги 15 центнер ўрнига 40 центнердан пахта олишни мўлжаллаб турибдилар.

▲ Навоий районининг кўрикдаги «Дружба» совхозида ҳосилнинг учдан бир қисми териб олинди. Кеча давлат хирмонига 30 тоннадан зиёд пахта жўнатилди. Бу йиллик планнинг 2,21 процентини ташкил этади.

▲ Республикамизда 14 сентябргача 135 минг гектар майдон дефолиация қилинди. Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах, ва Тошкент области хўжаликларида пахтазорларни дефолиация қилиш юксак суръатларда олиб бориляпти. Бу областларнинг ҳар бирида кунига 7-12 минг гектар майдон дефолиация қилиняпти.

Шу ўринда далаларда бутун техника воситалари ишламаётганлигини айтиб ўтиш керак. Қишлоқ хўжалик авиациясининг 473 самолётидан 217 таси кеча дефолиация ишларини амалга оширди. Ерда ишлатиладиган 7 мингдан зиёд агрегатдан фақат 1107 таси ишлатилди. Агротехника тадбирларини ўтказишга эътиборни янада кучайтирайлик.

▲ Партия комитетлари пахта йиғим-терим кампанияси даврида ишлаётган агитация-пропаганда кадрлари учун семинарлар ўтказмоқда. Бу йил қишлоқларда 90 минга яқин агитатор ва 30 мингдан зиёд сиёсий ахборотчи ишлаяпти. 18.8 мингдан кўп дала шийпонларини зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминлаш ишлари тугалланмоқда.

Катта хирмон учун мусобақанинг боришини оператив ёритмоқ учун район партия комитетларида матбуот марказлари ташкил этилди.

▲ Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозда Пардабой Пўлатовнинг ҳамма хурмат қилади. Унинг сўзи билан иши бир. Бригада агитатори ўз ўртоқларини зафарга чорлаб, зарбдор фронтда шахсий намуна кўрсатяпти. Бу бригада районда энг илғорлардан бири. Йиғим-теримга ҳамма нарса тахт. Дефолиация ишлари якунланиб, «зангори кема»лар далага чиқишга тайёрлаб қўйилган. 140 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 55 центнердан «оқ олтин» олиш мўлжалланмоқда.

▲ Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг маданий-оқартув муассасалари пахта йиғим-терими пайтида бажарилиадиган ибратли тадбирларни ишлаб чиқдилар. 500 дан кўп автоклуб ва кўчма кутубхона, ўнлаб агитбригада, хореография, вокал-чолғу ансамблари, сайёр артистлар труппалари пахтакорларга хизмат кўрсатишга шай. Пахта йиғим-терими суръати кун сайин жадаллашаётган бўлса ҳам министрлик жойларда ишлар қандай бораётганлиги, артистлар ва ҳаваскорлик тўгараги аъзолари пахтакорларга қандай хизмат кўрсатаётганликларини яхши аниқлагани йўқ.

Белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан аниқ ва таъсирчан назорат ўрнатиш — пахта йиғим-терими кампаниясини идеологик жиҳатдан таъминлашда муваффақиятнинг асосий шартидир.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА

ҲАР КУН ЗАРБДОР КУНГА АЙЛАНСИН!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

МУСОБАҚА — МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ

1979 ЙИЛ • СЕНТЯБРЬ • № 9 (66)

ЯХШИ ТАШАББУС — ИШНИНГ ЯРМИ ЭКАНЛИГИНИ ЭСЛАТИБ ЎТИШ ЎРИНЛИДИР. ҲАР КУНИ МУНТАЗАМ РАВИШДА ИШЛАШ ЛОЗИМ. БУ ГАП ҲАҚЛИ СУРАТДА САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ БЕШ ЙИЛЛИГИ ДЕБ АТАЛГАН БЕШ ЙИЛЛИККА ЖУДА ҲАМ ТААЛЛУҚЛИДИР. ПЛАНЛАШТИРИЛГАН МИҚДОР ДАРАЖАСИГА ЧИҚИБ ОЛИШ УЧУН СУНГГИ ПАЙТДА «ЗЎР БЕРИБ ИШЛАШ» МУМКИН. АММО ЯНГИ СИФАТ ДАРАЖАСИГА ЧИҚИБ ОЛИШ УЧУН, САМАРАДОРЛИКНИ АНЧА ОШИРИШ УЧУН АНА ШУНДАЙ ҚИСҚА МУДДАТЛИ ЗЎР БЕРИШЛАР СИРА ҲАМ КИФОЯ ЭМАС. ҲАР КУНИ МУНТАЗАМ РАВИШДА ИШЛАШ ЛОЗИМ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ПЛАН МАСЪУЛИЯТИ

Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон саноат корхоналари ва қурилиш-монтаж ташкилотларининг коллективлари ҳам КПСС XXV съезди қарорлари асосида иш тутиб, план ва мажбуриятларини ортиқ билан адо этиш учун мусобақани авж олдиряптилар. Учинчи беш йиллик тўртинчи йили марраларини муддатидан илгари эгаллаш учун кураш ҳаракатида яхши натижалар қўлга киритилмоқда. Республика саноати маҳсулот реализация қилиш саккиз ойлик планини 101,5 процент қилиб бажаришга эришди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 3,3 процент ортди.

План — қонун, уни бажариш шарт! Илғор ишлаб чиқариш коллективлари ана шундай шиор остида баракали меҳнат қилиб, давлат планларинигина эмас, социалистик мажбуриятларини ҳам ортиқ билан адо этмоқдалар. Кўмир қазиб олиш кўпаймоқда. Ингичка машиналарн, тракторлар, сеялкалар, пахта териш агрегатлари, шифер, дераза ойнаси ишлаб чиқаришда юксак суръатларга эришилмоқда. Кенг истеъмол буюмлари — трикотаж, пайпоқ, чарм пойафзал, серкаймоқ сут маҳсулотлари тайёрлаш планлари ошириб бажарилятпи.

Бинокорлар учинчи квартални муваффақиятли якунлаш учун мусобақада қувончли натижаларга эришаётирлар. 1979 йилнинг январь—август ойларида ўтган йилнинг шу даврдагига қараганда анча кўп асосий фондлар ишга туширилди. Капитал маблағ ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ишлари бажарилишининг салмоғи ҳам ортди. 1,1 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жойларнинг калити топширилди. 42 минг ўринли мактаблар, 9620 ўринли мактабгача болалар муассасалари, 1685 ўринли касалхоналар ишга туширилди. 50 минг гектарга яқин суғориладиган янги ерлар ўзлаштирилди. Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган қатор объектлар фойдаланишга топширилди.

ҚОЛОҚЛАР сафида Самарқанд, Сирдарё областларининг, Химия саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг корхоналари бор. Улар саккиз ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планларини бажармадилар, «Чирчиксельмаш», Бекобод цемент, Фарғона шиша идишлар заводлари, Хива гилам комбинати, Қўқон кўн заводи, Тахиатош нон маҳсулотлари комбинати каби 69 корхона маҳсулот реализация қилишда қолоқликка йўл қўйди. Шу сабабли республика саноати 66,6 миллион сўмлик маҳсулотни кам реализация қилди.

Қурилишларда иш авж палласига чиқди. Ишга туширилдиган объектлардаги ишларни жадаллаштиришда Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги масъулиятни ошириши зарур. Бу министрликлар пудрат ишлари бўйича саккиз ойлик плани барбод бердилар. Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги, «Главташкентстрой», «Главсредазирсовхозстрой» ва «Узколхозстрой» эса август ойида планни уддалай олмади.

Жиззах аккумулятор ва Гулистон ёғ-экстракция заводлари қурилишида суръатни тезлаштириш керак. Чирчиқдаги капролактам объектида меҳнатни ташкил қилиш янада такомиллаштирилиши, Маржонбулоқ оптин-руда комбинати объектларида бинокорлик ишлари графигининг бажарилишига эришилиши лозим. Уй-жой қурилишидаги ҳозирги аҳвол қаноатланарли эмас. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ва «Главсредазирсовхозстрой»нинг ташкилотлари саккиз ойда уй-жой қурилиши йиллик планининг атиги 40 процентн ҳажмида иш бажардилар. Қашқадарё, Фарғона областларида, Қорақалпоғистон АССРда ўқув йили бошлангунча ишга туширилмаган мактаблар сентябрь ойида батамом қуриб тамомланиши ва фойдаланишга топширилиши зарур.

Ҳамма ерда план масъулияти оширилиши лозим. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари план бажарилмаган коллективларда социалистик мусобақанинг самараларини кўпайтириш чора-тадбирларини кўришлари, планларнинг бажарилмаслик сабабларини чуқур таҳлил этиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилишда хўжалик органларига амалий ёрдам кўрсатишлари керак.

КПСС XXV съезди талаблари асосида ҳар бир корхона, қурилиш ташкилоти ва тармоқ раҳбарларининг план ҳамда социалистик мажбуриятлар тўла-тўкис бажарилишини таъминлаш юзасидан масъулиятини оширишлари. Токи, йўл қўйилган камчиликлар бартараф этиладиган, қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятлар ортиқ билан бажариладиган бўлсин.

ҚЎҚОННИНГ ЯНГИ ГИГАНТИ

Учинчи беш йиллик бошлангандан бери республикамизда бир қанча йирик қурилишларга қўл урилди. Шулардан бири — янги Қўқон химия заводидир. У иш кўламининг ҳажми, тайёрлайдиган маҳсулот ҳажми жиҳатидан анча катта бўлади. Келаси беш йилликда фойдаланишга топширилдиган биринчи навбатнинг ўзи халқ хўжалигига 750 минг тонна эъло сифатли аммофос ва 450 минг тонна олтингугурт кислотаси етказиб беради. Бу, Самарқанд ва Олмалиқ шаҳарларидаги худди шундай корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлардан ортиқдир.

Янги химия гиганти қурилишини Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг 14-трестига қарашли 10-монтаж бошқармаси коллективи олиб бормоқда.

Суратларда: 1. Бўлажак корхонанинг тозалаш иншоотлари учун ташлама коллектор қувурларини монтаж қилиш пайти. 2. 10-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи Т. Ҳамробоев, геодезист М. Мирзамаҳмудов ва бетончи Х. Исмоилов иш режаларини муҳокама қилмоқдалар.

А. Кудряшов фотолари.

ИШЧИ ТАШАББУСИГА — ИНЖЕНЕРЛИК МАДАДИ

ШАРАФЛИ БУРЧ

Бирлашмамиз мамлакатимиздаги энг йирик тўқимачилик машинасозлиги корхоналаридан биридир. Унинг корхоналарида тайёрланаётган дастгоҳ ва ускуналар Иттифоқимиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур. Бир қанча йигирув-пилталаш машиналари халқаро ярмаркаларда намойиш қилиниб, жаҳон мутахассисларининг юксак баҳосига сазовор бўлган, олтин медаллар билан тақдирланган.

Биз план топшириқларининг бажарилишини таъминлашда социалистик мусобақанинг ҳаётбахш кучига, мусобақа давомида вужудга келаётган янги-янги ватанпарварлик ташаббусларига, ишчилар, инженер-техник ходимларнинг ижодий изланишларига суянмоқдамиз. Шу ўринда ўзим ишлаётган темирчилик-пресслаш цехи коллективи тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Цехимизда совутиш-тушириш автоматлари участкаси бор. Участкага кирсангиз, галати манзараниг гувоҳи бўласиз. Ўзи, дастлаб ерга ёғ пўлат қозиқлар қоқилаётганда чиқадиган говучларни эшитасиз. Қудратли механизмлар ҳар зарба берганда дастгоҳларни қайта созлаш учун бир неча дақиқа сокинлик бўладиганлек вазият рўй беради. Бу — пўлат чивиқларнинг бир маромда бориб келишидир. Темир новлардан болт ва гайкалар тўхтовсиз сирганиб, тагига қўйилган махсус саватларга келиб тушади. Цехда қатъий интизом ўрнатилганлиги ва аниқ иш мароми йўлга қўйилганлигини сезиб оласиз. Сизга ҳеч нарса ўзгармайдигандек туюлади. Аслида эса ундай эмас. Бизда ҳам тез-тез янгиликлар бўлиб туради. Цехимизда ҳар бир кишининг ижод қилиши учун кенг имкониятлар яратиб берилган. Участкадаги қариб ҳар бир ишчи новатор ҳисобланади. Масалан, И. Қоратоев ва З. Шарафиевлар олейлик. Уларнинг қачон қарасангиз, чизмалар устида бош қотираётганликларини, нима ҳақдадир баҳслашаётганликларини кўрасиз. Демак, улар янги рационализаторлик таклифини поёнига етказаётган бўлишади. Улар кўпинча уч киши ишлашади. Созловчи ишчиларга инструментлар бўйича инженер С. Беленко ёрдамлашади. Баъзан эса уларга цех бошлиғи ўринбосари А. Улибин ҳам кўмак бериб туради.

Исмоил Қоратоевда квадрат конфигурацияли гайкаларни совутиш-тушириш автоматларда тайёрлаш фикри пайдо бўлганда, инженерлар уни дарров қўллаб-қувватлашди. Маълумки, илгари гайкалар металлдан штамплаш орқали кесиб олинарди. Кўплаб чиқит чиқарди. Кейин уларни текислашар, пармалаб тешишар, тишни чиқаришар, резьба ўйнашарди. И. Қоратоев ҳамда С. Беленко билан А. Улибинлар гайкаларни бир жараёнда — матрицаларнинг уясимон тешикларида қуйишни таклиф қилишди.

Иш жараёнида қолип тайёрлаш анча қийин бўлди. Чунки, металл қуйилаётганида бурчак-бурчакларга тўла етиб бормас, квадрат шаклига келмас эди. Нима қилиш керак? Беленко унинг йўлини топди. Матрицада яна битта оралиқ уясимон тешиги қўйиш керак. Улябин эса совутиш-тушириш автоматининг кўпгина узелларини қайта созлашга ёрдам берди. Негаки, автомат кичкина гайкалар тайёрлашга мосланмаган эди.

Таклифни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун тинимсиз изланилди. Янги усул бўйича дастлабки гайка олинганда, бу тўрт ижодкорни табриклагани, ҳатто механика цехидан ҳам келишди. Чунки, уларнинг ютуги коллективнинг зафари эди-да! Янгиликнинг қўлланиши туфайли бир қанча ишчи оғир меҳнат жараёнидан озод қилиниб, бошқа участкаларга ўтказилди. Металл нобудгарчилиги анча қисқарди. Агар илгари смена давомида 5 мингта гайка ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда ундан тўрт баравар кўп маҳсулот тайёрланяпти.

Бирлашмамизда кенг йўлга қўйилган ишчилар ва инженерлар ўртасидаги ижодий ҳамкорликда созловчи коммунист Исмоил Қоратоевнинг ҳиссаси каттадир. Бирлашмамизнинг энг яхши рационализатори, ёшларнинг меҳрибон устози И. Қоратоев — Бутуниттифоқ ихтиочилар ва рационализаторлар жамияти Ўзбекистон республика кенгашининг аъзоси. Унинг бирлашмамизда ишлаётганига ҳадемай 20 йил тўлади. Шу даврда йигирмага яқин ихтиочилик таклифини киритди. Уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши эвазига ҳар йили 10 минг сўмга яқин иқтисодий самара олинмоқда.

Исмоил Қоратоевнинг шериги Закий Шарафиевнинг бирлашмамизга келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин у биринчи кунданоқ изланувчан ишчи сифатида коллектив ҳурматини қозонди. Закий — Исмоил билан ҳамкорликда бир неча рационализаторлик таклифининг муаллифи. Улар бригаликда кўп станокчилик ҳаракатини бошлаб беришди. Ҳозир икки дўст нормадаги учта ўрнига 13 та дастгоҳни бошқаришяпти. Бу соҳада ҳам инженерлардан Беленко ва Улибинлар катта ёрдам беришди. Улар режимни ҳисоблаб, асбоб-ускуна ва жиҳозларни такомиллаштириш йўлларини кўрсатиб беришди.

Ишчилар таклифларини инженерлик ҳисоб-китоби билан таъминлаш — мутахассисларнинг шарафли бурчи. уларнинг шахсий ижодий мажбуриятидаги асосий мулдалардан биридир. Цехимиз технологларидан: Л. Синдяшкин, И. Шаврагов, И. Тарасюк ва бошқалар ҳам ишчилар билан фаол ҳамкорликда тер тўкишяпти. Бу ишнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги ўз-ўзидан маълум. Юқорида айтилганидек, биргина Қоратоев ва Шарафиевларнинг ўзи ҳар ойда миллионлаб болт ва гайка ишлаб чиқаришмоқда. Бу ишчилар томонидан таклиф қилинган ҳар бир янгилик участка планига ғузатиш бўлиб қолмай, коллективимиз олаётган неча минг сўмлаб қўшимча фойда, демакдир. Цехимиз новаторларининг изланиши, киритилаётган таклифларнинг инженерлик ҳисоб-китоби билан таъминланиши давом этиб, ажойиб самаралар бермоқда. Фақат шу йилнинг ўзида 50 минг сўмга яқин давлат маблағини тежаб қолишга эришдик. Бу кўрсаткичнинг йил охиригача янча кўпайишига шак-шубҳа йўқ.

Т. СОБИРОВ,
«Узбекистекстильмаш» ишлаб чиқариш-техника бирлашмаси совутиш-тушириш цехи бошлиғининг ўринбосари.

САНОАТИМИЗ МАРДУ МАЙДОНЛАРИ

ҲОРМАНГ, ЭГАМНАЗАР АКА

Пульт. Унинг олдида ишчи корпусидаги бўғинлари жиддий, этикли киши турибди. У «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг энг яхши ишчиларидан бири — Эгамназар Холматов. Эгамназар ака етти найчали ўраш машинаси приборларининг ишини диққат билан кузатмоқда. Унинг ҳаёли тормозларнинг бехато ишлашида. Чунки, тормоз ишламай қолса, ингичка металл пайларининг узилиши турган гап. Жаҳонда фақат битта — Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли кабель заводида ишлаб чиқариладиган каротаж кабели ана шу нозик пайлардан тайёрланади.

— Шундай кунлар ҳам бўладики, минг эҳтиёт чорасини кўр, барибир тормоз механизми ишламай қолади, — дейди Эгамназар Холматов ва ўйчан машинага тикилади. — Нима ҳам қила олардик?! Машина — инсон эмас.

Кекса ишчининг сўзларини тинглар эканмиз, ана шу машина кабель тайёрлаш жараёни нақадар мураккаб кечишини қалбдан тасаввур қилдик. Ҳа, Эгамназар Холматов шу техникада узоқ йиллар ишлаб, машинани ўз фарзандлари сингари севиб қолган. Унинг ингичка симли ғалтакларни алмаштираётганини, пульт тугмачаларини босишини, машинани тўхтатиб қиғини меҳр ва муҳаббат билан унинг «капотини силаб қўйишини томоша қилсангиз, бунга амин бўласиз.

Эгамназар Холматов иш практикасида синларнинг узилиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Шу туфайли у жуда кўп миқдорда миткаль, мис ва резиналарни тежаб қоляпти.

— Бирлашмада ишлаётганимга ўттиз етти йил тўлди, — ҳикоясида давом этди у. — Янги ишга келганимда завод эндигина тикланаётган эди. Биз унинг корпусини қурдик, ускуналарини ўрнатдик. Икки ой ўтар-ўтмас она-Ватанни фашист газандаларидан ҳимоя қилиш учун фронтга жўнадим.

Э. Холматов Улуғ Ватан урушидан қайтгач «Ташкенткабель» заводида вулканизатор бўлиб ишлай бошлади. У бу участкада 19 йил ишлади. Очиғи, меҳнати енгил эмасди. Ўша пайтларда кабель қариб қўлда сураб эшиларди. Бугун эса ёруғ, катта, топ-тоза, энг янги техника билан жиҳозланган цехга кирсангиз қалбингиз шодликка тўлади. Бундай шароитда маза қилиб ишлаганга нима етсин?!

Эгамназар ака корхонада биринчилар қатори республикамиз 14 нафар ишлаб чиқариш илғорининг беш йиллик топшириқларни барвақт ўринлатиш даъватига қўшилди. Амалда у маррага ваъдасидан бир ой олдин етди. Ҳозирги кунда моҳир ишчи 1981 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

— Пенсияга чиққач, — дейди Холматов. — иккинчи станокни тарк этишга тўғри келди. Ёш улғайгач, куч етмай қоларкан.

Таниқли ишчи битта дастгоҳда ҳам ишлаб, бошқаларга намуна бўлаётир. Смена топшириқларини 120—130 процент адо этиб, топшириқдагидан 1,5 километр кўп бураб пишитилган каротаж кабели олмоқда.

— Бусиз, — дейди у, — ҳеч қачон юксак кўрсаткичларга эриша олмасдим. Биринчидан, мен қабул қилувчи ва қайтарувчи барабанларни ишга тайёрлашга мумкин қадар кам вақт сарфлашга ҳаракат қиламан. Иккинчидан, мен ва менинг сменадошларим: ака-ука Арсовлар турдош касбларни ўзлаштириб олганмиз. Ингичка металл пайларни керакли ўлчовдаги ғалтакларга ўзимиз ўраймиз. Шу туфайли вақт, маблағ тежалиб, иш учун материалларни ўз вақтида тайёрлаб қўйиш таъминланади. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш планларининг жорий этилиши эвазига қайта ўраш дастгоҳи ва эшиш машинаси ҳозир илгаригига қараганда бир-бирига анча яқин жойлаштирилган. Шундан ҳам олтинга тенг дақиқалар тежалмоқда. Ваъда берганимдек, меҳнат унумдорлигини беш йиллик бошидан бери 25 процентга ўстирдим.

Моҳир ишчининг шогирдлари: Сергей ва Анатолий Арсовлар устоз изидан бориб, вақтнинг қадрига етишяпти. Улар сменани қабул қилаётганда ва топшираётганида машиналарни тўхтатишмайди. Бу янгилик шарофати билан мамлакатимизга қўшимча бир неча километр узунликдаги каротаж кабели етказиб берилаяпти.

Беш йиллик бошларида устоз шогирди Сергейни мусобақага чақирди. Чунки, Сергей машиналарни бошқаришда устозига тенглашиб қолган, баъзи жараёнларда эса устунлиги ҳам бор эди. Сергей илгари слесарлик билан шуғулланган эмасми, машинанинг бирон жойи бузилиб қолса, ўзи тузатиб олади. Унинг машинаси тўхтовсиз ишлайверади.

Устоз ва шогирд ўртасидаги меҳнат беллашуви мусобақадошлар меҳнатини юксалтиришда ажойиб турти бўлди. Иккалови ҳам беш йиллик топшириқларини анча барвақт адо этди. Анатолий эса акасидан орқада қолишни истамай суръатга зўр бермоқда. «Аҳил, иноқ йигитлар» — дейди қувончини яширолмай Эгамназар ака. Ўгитларим ва тажрибам қўл келганидан ва фойда берётганидан жуда хурсандман.

Эгамназар ака кечаги шогирдларининг ишларига боқар экан ,ёшлар билан меҳнат қилишнинг ўзгача гашти бор, деб қўйди. Уларни кузатар экансан, ўзингни ёшлардек тетик, бардам сезасан.

Смена тугагач, Эгамназар ака кичкинагина, шинам уй-жой томонга йўл олади. У олти фарзандининг отаси. Болалари қанот қоқиб, турли томонларга парвоз қилишган. Ҳозир уйи жимжит. Якка қувончи узум. Ҳар фарзанд кўрганида биттадан узум, ниҳоли экган. Кампирон билан дастурхон устида чой ичишаркан, фарзандлар камоли, ишлаётган завод жамоли ҳақида узоқ сўзлашишади. Ҳа, завод Эгамназар ака учун қадрдон даргоҳга айланган.

Кекса ишчи Э. Холматов кўп йиллик, фидокорона меҳнати учун III даражали Меҳнат шуҳрати ордени билан тақдирланди. Еттита «Социалистик мусобақа ғолиби», «Коммунистик меҳнат зарбдори», «Электр техника саноати ҳалқчиси» нишонлари кўкрагини безаб турибди. «Олтин қўли мастер». «Завод ветерани», «Меҳнат ветерани» сингари қатор-қатор унвонлар соҳиби у.

... Эгамназар аканинг илгоҳи машина приборларидан узилмайди. Бирдан пульт стрелкалари титраб кетди. У бориб нимандир буради. «Ҳаммаси жойида» деди қайтиб келгач. Бу, унинг тилида машина аниқ, тўхтовсиз ишлаяпти, бугунги смена топшириқлари ҳам ошириб бажарилади, деган маънони билдиради.

— Ҳорманг, Эгамназар ака, қўлингиз дард кўрмасин!

Л. ВАСИЛЕГО.

ХИЗМАТ ЗОНАСИ ОШМОҚДА

Марғилон ипак комбинатининг донгдор тўқувчиси, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Абдураҳим Тўхтасинов корхонада кўп станокчилик ҳаракатини бошлаган ишчилардан. 1976 йил апрель ойида А. Тўхтасинов меҳнат қилаётган 1-тўқимачилик цехига Чехословакиядан П-125 маркали пневматик дастгоҳлар келтирилди. Янгилик сари интилувчан, тўқувчиликка ниҳоятда меҳр қўйган Абдураҳим ишдан сўнг қолиб, янги станокларни кўздан кечирадиган, уларнинг технологиясини синчковлик билан ўрганадиган бўлиб қолди.

У станокларнинг қанчалар юқори унумли, қулай эканлигини яхши биларди. А. Тўхтасиновнинг қарори қатъий: у янги станокларни, албатта, ўзлаштириб бошқаради! Тезкор, новатор ишчи айтганида турди. У 1976 йил июль ойида олти ўрнига 10 та станокка, кейинроқ эса 16, 21, 24, 29 тага, ҳозирда 33 та станокка (типовой норма — 18 та) хизмат кўрсатмоқда. Ишлаб чиқарилаётган газламаларнинг сифати юқори бўлишига эришиб, биринчи сортли маҳсулот ҳажмининг пландаги 69,4 процент ўрнига 81,8 процент бажарилишини таъминламоқда.

А. Тўхтасиновни иш пайтида кўрсангиз, унинг ҳаракатларидан, станоклар ҳолатини сезгирлик билан ҳис этишидан ҳайратланасиз. Сергайрат ишчи бир зум ҳам тиниб-тинчимайди. Дастгоҳларни маршрут бўйича бир неча марта ўздан кечириб чиқади. Ўз участкасида иш бир меъёрда бораётган бўлса, ёнидаги ҳамкасбига ёрдам беришга ҳам улгуради.

Машъал тўқувчи В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш, бир беш йилликда ўн йиллик нормани ўринлатиш учун зарбдорчасига меҳнат қиляпти. У август ойи ишлаб чиқариш топшириғини 117,8 процент бажаришга эришди.

М. МАҲМУДОВ,
Марғилон ипак комбинати.

ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш — партиямиз иқтисодий сиёсатининг асосидир. Уни амалга ошириш учун корхоналарда жуда кўплаб ташкилий-техникавий, гигиенасиёсий тадбирлар ишга солинляпти. Бироқ, шоли ичида курмак, деганларидек, айрим жойларда маҳсулот сифатини яхшилаш масалаларига панжа орасидан қараш ҳоллари ҳам учраб турибди. Масалан, мен ишлаётган заводни олайлик.

Корхонамиз техника назорати бўлими ўзига юклатилган вазифани, яъни социалистик давлат ишлаб чиқариш корхонаси тўғрисидаги Низомда айтилган «ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг давлат стандартлари, техника шартлари, намуналар, кондициялар, норма ва қоидаларга мувофиқ юксак сифатини, пишиқ-пухталигини ва чидамлилигини таъминлашни уддалай олмаяпти.

Жумладан, механика цехида маҳсулот сифатига талабчанлик сусайтириб юборилган, технология интизомига риоя қилинмайди. Сифатсиз хом ашё ишлатилмоқда. Меҳнат коллективи ва жамоатчилигининг тарбиячилик ролига етарли баҳо берилмаяпти.

Буюмлар сифатининг пастлигига цехнинг бир маромда ишламаслиги ҳам сабаб бўляпти. Чунки, металл ва қуйилма таъминотчилар томонидан ойнинг иккинчи ярмида ёки ой охирида етказиб берилмоқда. Шу туфайли ой бошида иш суст бориб, охиригга келганда штурмчилик бошланади.

Шунисе ачинарлики, корхонамиз раҳбарлари аҳволни кузатиб турибгина, бу ишларга йўл қўйишяпти. Мисол учун рекламацияларни кўриб чиқишни олайлик. Юқори ташкилотларда, бу заводда ҳамма иш силлиқ кетяпти, деган фикр уйғотиш мақсадида давлат ҳисоботларига олинган рекламацияларнинг сони аниқ кўрсатилмайди. Бунинг устига сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқараётганларга нисбатан самарали чоралар кўриш ўрнига улар бир четда қолиб, жарима корхона ҳисобига тўланяпти.

Албатта, заводимизда буюмлар сифатини яхшилаш, ремонт ишлари савиясини ҳозирги кун талаблари даражасида адо этишга ҳаракат қилаётган коллективлар бор. Мотор цехи коллективи шулар жумласидан. Аммо, бир цехнинг кўрсаткичлари умумий аҳволга таъсир қилолмас экан. Шу сабабли заводимизда ремонт қилинган ва тикланган қишлоқ хўжалик техникаси узоққа бормай сафдан чиқиб, деҳқонларнинг ҳақли эътиросига сабаб бўлмоқда. Бу ҳақда область газетасида ҳам ёзилди. Лекин сезиларли ўзгариш ясалмади.

Бизнинг фикримизча, область партия комитети ва область халқ контроли комитети заводдаги аҳволни чуқур ўрганиб чиқиши, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда план топшириқларининг бажарилмаслик сабабларини ўрганиш билан бирга уларни бартараф этиш йўлларини ҳам белгилаши керак.

В. МАЛЬЦЕВ,
Қишлоқ хўжалиги моддий-техника таъминоти Самарқанд область бирлашмасининг ремонт заводи инженер-технологи.

ТОШКЕНТДА СОВЕТ—АМЕРИКА СИМПОЗИУМИ

14 сентябрь куни Тошкентда очилган IV Совет — Америка симпозиуми кардиологиянинг актуал масалаларига бағишланди. Икки мамлакатнинг жаҳон соғлиқни сақлаш ишларининг биринчи номерли проблемаси бўлмиш юрак-ҳон томирларини диагноз қилиш, уларни даволаш ва бу касалликларнинг олдини олиш билан алоқадор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун куч-ғайрат кўрсатаётган таниқли олимлари симпозиумда қатнашиш учун Ўзбекистон пойтахтига келдилар.

Совет ва Америка врачларининг бундай учрашувлари анъанавий бўлиб қолди. 1972 йилда соғлиқни сақлаш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланганидан сўнг бундай учрашувлар ҳар икки йилда — бир сафар АҚШда, иккинчи сафар СССРда муттасил ўтказилиб турибди. Кардиология мана шу ҳужжатдаги муҳим бандлардан бири бўлиб қолди.

СССР Фанлар академияси ҳамда СССР Медицина фанлари академиясининг академиги, СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ кардиология марказининг бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати Е. И. Чазов симпозиумни очиб бундай деди:

— Биргалашиб ишлай бошлаган пайтларимизни эслайман. Уша пайтлар бу ишдаги атак-чечак пайтлар эди. Ўтган олти йил ичида биргаликдаги ишларимиз анча мустаҳкамланди. Бугунги кунга келиб биз ўша пайтларга нисбатан кўпроқ биламиз ва кўпроқ ишлар қила оламиз. Эндиликда ҳамкорлигимиз назарий жиҳатлар клиник шароитларга олиб ўтилаётган иккинчи босқичга кирди.

Чет мамлакатларда юрганингизда: «Руслар урушни хоҳлайдиларми?» деган саволни эшитиб туришга тўғри келади. Бу саволларга жавобан: Ҳа, биз «урушни», лекин бутун дунё халқларининг сиҳат-саломатлиги ва бахт-саодати учун олиб бориладиган урушни хоҳлаймиз, дегингиз келади. Мана шу олижаноб жангларда биз америкалик олимлар билан бирга боришни хоҳлаймиз. Биз халқлар ўртасида тинчлик манфаатларини кўзловчи дўстликни мустаҳкамлашни истаймиз.

Совет — Америка кардиологларининг симпозиуми халқ медицинасининг бобокалони бўюк Абу Али ибн Синони етиштирган диёрда ўтаётганлигининг рамзий бир ифодаси бор. Жаҳон жамоатчилиги Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Совет ва Америка олимларининг Тошкентдаги учрашуви жаҳон фанини янада ривожлантиришга шубҳасиз муносиб ҳисса қўшажак.

Америка делегациясининг раҳбари, Пенсильвания штати университети медицина коллежи физиология бўлимига бошчилик қилувчи профессор К. Е. Морган ҳам ўз нутқида кардиологларнинг икки томонлама ҳамкорлиги катта неф бераётганлигини айтди. Унинг фикрича, бу ҳамкорлик жуда кўп самаралар берди ва бугунги кунда унинг келтираётган сезиларли натижалари врачлар юрак фаолиятининг турли жиҳатларига актив таъсир кўрсатишларига имкон бермоқда. Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари олимларининг биргаликдаги фаолиятлари билан бутун жаҳон медицинасини ривожлантириш учун, Америка олимлари билан совет олимлари дўстлиги ва шахсий алоқаларини мустаҳкамлаш учун тортки бўлиб хизмат қилди, деб бугун бемалол айтиш мумкин.

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри С. О. Орипов Ўзбекистон медицина жамоатчилиги номидан симпозиум қатнашчиларини табриклади.

IV Совет — Америка кардиологлари симпозиумининг асосий мавзуи «Миокард метаболизми» деб ифодаланди. Мавзу программаси муҳокама этилаётган юрак мускулларида модда алмашиш билан боғлиқ проблеманинг турли жиҳатлари кўриб чиқилишини кўзда тутади. Икки мамлакатнинг таниқли олимлари кўп масалалар юзасидан докладлар қиладилар, ахборот берадилар, фикрлашиб оладилар.

Симпозиум қатнашчилари Ўзбекистонда бўлган пайтларида республиканинг ҳаёти билан танишадилар.

Суратда: Совет — Америка симпозиумининг очилиши.

(ЎзТАГ).



ОЗУҚА ТАЙЁРЛАШНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАЙЛИК

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Республикамиз колхоз ва совхозларида озуқа тайёрлаш давом этяпти. Хўжаликларда 10 сентябрга қадар 6,2 миллион тонна дағал хашак жамғарилди. Бу планга нисбатан 116 процентни ташкил этади. Шу жумладан, 1,6 миллион тоннадан кўпроқ пичан тўпланди, қариб 2,7 миллион тонна сенаж бостирилди. 140 минг тонна ўт уни тайёрланди. Маккажўхори ўрими ва силос бостириш давом этмоқда. Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд областларининг колхоз ва совхозларида озуқа жамғариш бўйича белгиланган топшириқлар муваффақиятли бажарилмоқда. Улар қариб 1 миллион тоннадан пичан, сенаж, сомон ва бошқа дағал хашак жамғаришга эришдилар. Эллиққалъа, Тахтакўпир, Мўйнок, Қўшработ, Советобод, Ургут, Ленин йўли, Сариосиё, Қумқўрғон, Шеробод, Ленинград районларининг хўжаликлари озуқа тайёрлаш бўйича зиммага олган социалистик мажбуриятларини анча ошириб бажардилар.

Шу билан биргаликда кўпгина районларда тайёрланган озуқанинг миқдори жамоат чорвачилиги талабини таъминлай олмайди. Масалан, Бухоро области хўжаликларида белгиланган топшириқдагидан анча оз — 525 минг тонна дағал хашак тайёрланди ва йиллик план фақат 88 процент бажарилди. Пичан тайёрлаш плани эса бор-йўғи 35 процентга бажарилди. Бундай аҳвол Сирдарё областида ҳам содир бўлмоқда. Областнинг Ильич райони дағал хашак тайёрлаш планини 97 процент, Комсомол, Ворошилов, Боёвут, Сирдарё районларининг колхоз ва совхозлари эса фақат 47—66 процент бажардилар, холос. Ем-хашак жамғариш бўйича қабул қилинган мажбуриятлар Кегайли, Ленинобод, Беруний, Комсомолобод, Пахтаобод, Бухоро, Шофиркон, Навоий, Қоракўл, Вобкент, Свердлов, Уйчи, Чуст, Норин, Ўрта Чирчиқ, Охунбобоев, Киров ва бошқа бир қатор районларда бажарилмаяпти.

Олтиариқ, Ўзбекистон, Оҳангарон, Оқолтин районлари колхоз ва совхозларида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан кам озуқа тайёрланган.

Қузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, колоклик сабаблари дастлабки озуқа тайёрлаш ва етиштириш ишлари тўғри ташкил этилмаслигидадир. Бедани ўз вақтида ўриб олмаслик ва суғормаслик фактлари содир бўляпти. Бу эса беданинг биринчи марта кам ўриб олинишига сабаб бўлмоқда. Озуқа жамғаришда резерв ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётир, техника воситалари бекор турибқолмоқда. Чорва қишлови бошлангунга қадар ширали озуқа запасини бирмунча кўпайтириш имкониятлари бор. Бедани суғориш ва яна 1—1,5 марта ўриб олиш мумкин, маккажўхори, илдиз мевали озуқалар, такрорий экинлар ва сабзавот-полиз экинлари чиқиндиларини ўз вақтида йиғиштириб олиш зарур.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми қарорларида бу йил ҳар бир хўжаликда ўтган йилдагига нисбатан камида 25 процент кўп озуқа тайёрлаш вазифаси қўйилган. Партия комитетлари бу ишда ёрдам беришга, фермаларни етарли миқдорда озуқа билан таъминлаш учун хўжаликларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларидан қатъий ҳаракат қилишларини талаб этишга даъват этилгандирлар.

Ширали озуқа — силос бостиришни тугаллаш жанговар вазифалардан биридир. Ҳозирга қадар 2,8 миллион тонна силос бостирилди. Бу планга нисбатан 64,3 процентни ташкил этади. Қашқадарё, Самарқанд ва Наманган областларининг хўжаликлари силос бостириш топшириғини анча ошириб бажардилар. Айрим район ва областлар ҳам бу соҳада пешқадамлар сафида боряпти. Бироқ, бу борада ортда қолаётган районлар ҳам оз эмас. Боёвут, Ҳовос, Тошкент, Оҳангарон, Олтиариқ, Бағдод, Риштон, Фарғона, Фрунзе, Шовот ва бошқа бир қатор районларнинг колхоз ва совхозларида маккажўхори ўрими ҳамда силос бостириш сусткашлик билан бажарилмоқда. Ишларнинг бундай аҳволи пахта йиғим-терими бошланиши муносабати билан жиддий ташвиш туғдирмоқда. Чунки пахта йиғим-терими мавсумида транспорт воситалари ва кишилар йиғим-терим билан банд бўлиши табиий ҳолдир. Ўтган йил сабоқлари шуни кўрсатмоқдаки, силос бостиришнинг бундай суръати мўлжалланган миқдорда ширали озуқалар тайёрланмай қолишига олиб келади. Шу боисдан айни кунларда силос бостириш ишларини максимал даражада жадаллаштириш, лозим бўлса маккажўхори ўрими ҳамда силос бостиришни икки сменада ташкил этиш зарур.

Тайёрланаётган озуқанинг сифатига алоҳида эътибор бериш лозим. Текширишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина областларда тайёрланаётган озуқаларнинг сифати паст. Масалан, Андижон областида тайёрланган пичаннинг фақат 17 проценти, силоснинг 8 проценти биринчи классга лойиқдир. Наманган областида тайёрланган сенажнинг фақат 21 процентигина биринчи классга мансуб бўлиб, 64 проценти эса классиз озуқа деб топилди. Бухоро областида ҳам тайёрланган сенажнинг 60 проценти классиз озуқа бўлиб чиқди. Фарғона, Сирдарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРда ҳам сифатсиз озуқалар жамғарилмоқда. Бу мутахассисларнинг озуқа тайёрлаш технологиясига етарлича аҳамият бермаётганлигидан далолат бериб турибди. Силос ва сенаж бостиришда барча технологик қоидаларга амал қилиш, ҳар бир килограмм озуқанинг юқори сифатли бўлишига эришиш жуда муҳим ишдир. Бу тадбир кўп гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни таъминлайди.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда қорамоллар ва паррандаларни витаминли озуқалар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Витаминли озуқа запаси— ўт уни, донадор озуқа ишлаб чиқариш ҳисобига сезиларли даражада тўлдирилмоқда. Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент областларининг колхоз ва совхозлари бу борада пешқадамлик қилмоқдалар. Бу областларда ўт уни тайёрлаш топшириғи бажарилди. Бироқ, иш ҳамма жойда ҳам шундай бормаяпти. Ўт уни тайёрлаш плани Сирдарё области хўжаликларида фақат 16 процент, Қоракалпоғистон АССРда 34 процент, Бухоро, Жиззах, Хоразм областларида 50 процент атрофида бажарилди, холос. Жалолқудуқ, Қўрғонтепа, Комсомолобод, Навоий, Ромитан, Зомин, Пахтакор, Уйчи, Косонсой, Шеробод, Сирдарё, Ворошилов, Ўзбекистон, Киров ва бошқа бир қатор районларда ўт уни тайёрлаш ўлда-жўлда қолиб кетмоқда. Қўлгина агрегатлар бекор турибди ёки унум билан ишлатилмаяпти. Бундай вазиятга барҳам бериш зарур. Ҳозир беданинг сўнгги ўримидан фойдаланиш, ҳом аше манбаларининг ҳаммасини сафарбар этиш, барча агрегатларнинг тўла қувват билан тўхтовсиз ишлатилишига эришиш керак. Бу ишларнинг кўнгилдагидек амалга ошиши республика «Госкомсельхозтехника» органларининг ишига ҳам боғлиқдир. Улар хўжаликлардаги ўт уни ва донадор озуқа тайёрлайдиган агрегатларга техника хизмати кўрсатишни яхшилашлари зарур.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

МАКТАБГА ҲАММА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШИ КЕРАК

13 сентябрь куни Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг халқ маорифи ва маданият комиссиялари қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Куни узайтирилган мактаблар ва группалар ишини янада такомиллаштиришга доир қонун талаблари қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Докладларда ва нутқларда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, КПСС XXV съездининг қарорларига, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг умумий таълим мактаби тўғрисидаги қарорларига биноан, халқ маорифи органлари давлат ва жамоат ташкилотларининг мадади ва доимий ёрдами билан куни узайтирилган мактаблар ва группаларни ривожлантириш соҳасида катта иш қилмоқдалар. Ҳозир бу мактаб ва группалар таълим ва жамоат тарбиясининг муҳим шакли бўлиб қолган. Ҳозир мамлакатдаги мактабларнинг 80 процентида мана шундай группалар бор. Бу группаларнинг ҳамма жойда ривожланиши кўпгина муҳим социал вазифаларни ҳал этишга кўмаклашмоқда. Ўқувчиларга таълим ва коммунистик тарбия беришни яхшилаш иши аввало шу жумлага киради. Куни узайтирилган группаларни ташкил этиш кўпгина оналарни меҳнат фаолиятига ва жамоат турмушига жалб этишга, балоғатга етмаган болалар орасида қаровсизлик ва қонун бузиш ҳоллаларининг олдини олиш ишини яхшилашга кўмак беради.

Комиссиялар қабул этган қарорда куни узайтирилган мактаблар ва группалар ишини янада яхшилаш ва ривожлантириш вазифаларини комплекс ҳал этиш юзасидан СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, бошқа жамоат ташкилотларига тавсиялар берилган.

Мажлис ишида СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Шитиков, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе иштирок этдилар.

(ТАСС).

АГОСТИНЬО НЕТО БИЛАН ВИДОЛАШУВ

СССР пойтахти Анголанинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби, Совет Иттифоқининг қалин дўсти, МПЛА — Меҳнат партиясининг раиси, АХР Президенти Агостиньо Нето билан 13 сентябрь куни чуқур қайғу билан видолашди.

Совет 18.30 минут. А. Нето жасади солинган тобут Внуково аэропортига олиб келинади. АХР ва СССР давлат байроқлари қуйи эгиб қўйилган.

Мотам маросимида В. В. Гришин, А. А. Громико, К. У. Черненко, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, И. В. Капитонов ўртоқлар, шунингдек, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Баркаускас, КПСС Марказий Комитети ишлар мудири Г. С. Павлов, СССР министри Б. П. Бугаев, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирларининг биринчи ўринбосарлари В. В. Загладин, Н. А. Петровичев, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари К. Н. Брутенц, СССР министрларининг ўринбосарлари С. К. Куркоткин, Н. П. Фирюбин, Совет хотин-қизлар комитетининг раиси В. В. Николаева-Терешкова, бошқа расмий кишилар қатнашдилар. Москвага келган Анголе раҳбарлигининг вакиллари, марҳумнинг оила аъзолари, АХР-нинг СССРдаги элчиси Карлуш А. Фернандеш ҳам шу ерда эдилар.

Аэродромда ангол халкининг шонли фарзанди, Анголе—Совет дўстлигини ривожлантиришга, Африка қитъасини озод қилишга, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган инсон билан видолашиш учун келган пойтахт меҳнаткашларининг намояндалари ҳозир бўлдилар.

Фахрий қоровул қайғули суғнатда котиб турибди. А. Нето жасади солинган тобут катафалк устида аэродром майдонига олиб кирилади. Мотам садолари таралади. Тобут аэропачага қўйилади, кузатиб қолувчи совет ва ангол ўртоқлар А. Нето билан видолашадилар.

Оркестр АХР давлат гимнини ижро этади. Фахрий қоровул жангчилари ҳарбийларча ҳурмат бажо этиб тобут олдидан ўтадилар.

Тобут самолётга олиб кирилади. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми СССР Министрлар Советидан, бошқа совет ташкилотларидан гулчамбарлар олиб кирилади.

Совет диёридаги сўнгги дақиқалар. Самолёт учиш йўлига қараб кетади, осмонга кўтарилади ва Анголе пойтахти — Луандага йўл олади.

* * *

МПЛА — Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, партия Марказий Комитетининг секретари Л. Лара, МПЛА — Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси П. Лувуалу, МПЛА — Меҳнат партияси Марказий Комитетининг аъзоси Р. Нето, Анголе хотин-қизлар ташкилоти раҳбарлик органининг аъзоси И. Нетодан иборат составдаги Анголе делегацияси самолётда Луандага жўнаб кетди. Президентнинг рафиқаси Мария-Эужения Нето улар билан бирга жўнаб кетди.

А. Нетонинг жасади солинган тобутни Луандагача СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Баркаускас кузатиб боради.

(ТАСС).

Оламда нима гап

ЭФИОПИЯДАГИ ТАНТАНАЛАР

АДДИС-АБЕБА, 13 сентябрь. (ТАСС). Бугун эртаблаб Эфиопия пойтахти узра янграган байрам тўпларининг гулдуроси Эфиопия халқи ўз революциясининг беш йиллигини нишонлайдиган икки кунлик тантаналар бошланганидан дарак берди.

Аддис-Абебанинг марказидаги Революция майдонида шу шонли санага бағишланган оммавий митинг бўлди. Майдонга йиғилган — Эфиопия пойтахтининг 10 минглаб аҳолиси ҳамда мамлакатнинг ҳамма вилоятларидан келган ишчилар, деҳқон ва зиёлиларнинг вакиллари Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий-маъмурий кенгаши ва Министрлар Кенгашининг Раиси Менгисту Хайле Мариамни, Эфиопиянинг бошқа раҳбарларини узоқ давом этган қарсаклар ҳамда олқишлар билан кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин улар билан бирга бош минбарга чиқди.

Менгисту Хайле Мариам миллатга мурожаат қилиб гапирди. Кенг халқ оммаси билан социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг мададига суянаётган Эфиопия революцияси, деди у, жаҳон революцион ҳаракатининг таркибий қисмидир. Эфиопия ўзининг тащқи сиёсатида тинчлик ва яхши қўшничилик принципларига амал қилмоқда, эски ва янги мустамлакачилик ҳамда ирқчиликни тугатиш учун курашмоқда.

Менгисту Хайле Мариам Фаластин халқига ўз тақдирини мустақил ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини бериш ҳамда босиб олинган территориялардан Исроил қўшинларини батамом олиб чиқиб кетиш йўли билангина Яқин Шарқда мустаҳкам тинчликка эришиш мумкин, деди. МҲМК Раиси империализм кучларининг Афғонистондаги революцияни бўғмоқчи бўлиб қилган уринишларини қоралади.

Эфиопиянинг раҳбари Жанубий-Шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликни барбод этаётган Хитой ҳукмрон тўдасининг шовинистик, экспансиячилик йўлини лаънатлади. У барча тинчликсевар кучларга мурожаат этиб, ўз сафларини бирлаштиришга ҳамда ялпи тинчлик ва хавфсизликка жиддий хавф туғдираётган Пекиннинг сиёсатига ягона фронт бўлиб зарба беришга даъват этди.

Менгисту Хайле Мариам ўтган беш революцион йил мобайнида Эфиопия экономика, маданият ва социал тараққиёт соҳасида эришган ютуқлар тўғрисида батафсил гапириб берди.

Биз танлаб олган йўл — социализм қуриш йўлидан ҳеч қачон четга бурилмаймиз ва олдимизга қўйган мақсадга эришмоқ учун азму қарор қилганмиз, деди у. Эфиопияда марксизм-ленинизм принципларига амал қилувчи, ишчилар синфи, деҳқонлар ва барча меҳнаткашларнинг иттифоқига асосланган, революциянинг раҳбар ва раҳнамо кучи бўлишга қодир меҳнаткашлар партиясини тузиш бунинг энг муҳим шартидир. В. И. Ленининг раҳбарлигида инсоният тарихида янги даврни очиб берган большевиклар партияси шу жиҳатдан бизга илҳомлантирувчи ўрнак бўлиб хизмат қилади, деб таъкидлади у.

* * *

Менгисту Хайле Мариам шу куни А. Н. Косигинга Эфиопиянинг олий ордени — «1974 йилги Февраль революцияси ордени»ни топширди.

Совет ҳукуматининг бошлиғи ўзига кўрсатилган зўр ҳурмат-эҳтиром учун миннатдорчилик билдирди. Мен бу мукофотни, деди у, бизнинг ленинчи партиямизга, бутун улуғ совет халқига берилган мукофот деб ҳисоблайман.

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан Карлово шаҳрида қурилган тракторсозлик комбинати Болгария қишлоқ хўжалик машинасозлигининг етакчи корхонасидир. Ҳозирги пайтда комбинатнинг инженер ва конструкторлари совет ҳамкасблари билан қалин ҳамкорликда қуввати 100—120 от кучига эга бўлган тракторлар ишлаб чиқаришни планлаштирмоқдалар. Суратда: комбинатда тайёрланган тракторлар.

София-Пресс — ТАСС фотоси.

МАРОҚЛИ ВА ФОЙДАЛИ АНЖУМАН

ТЕҲРОН. 13 сентябрь. (ТАСС). Журналистларнинг Тошкентдаги халқаро семинари гоят маройли ва фойдали бўлди, деди семинар ишида қатнашган Эрон миллий йўналиш министрининг матбуот масалалари билан шуғулланувчи ўринбосари М. Момкен «Кайҳон» газетаси мухбири билан суҳбатда. Семинарнинг ҳамма қатнашчилари ва айниқса блокларга қўшилмаган мамлакатларнинг 50 нафар матбуот ходими Ғарб ахборот воситаларини ва жумладан, ахборот агентликларининг қўшилмаган мамлакатлардаги факт ва воқеаларни бузиб, сохталаштириб кўрсатувчи мухбирларини танқид қилиб чиқдилар. Бу семинарда биз, деб уқтирди М. Момкен, Ғарб пропагандистлари Эрондан бошқа мамлакатларга ҳам хуруж қилаётганликларини тушундик. Шу муносабат билан министр ўринбосари семинар қатнашчиларини Эронга таклиф этиб, бу мамлакатдаги революцион воқеалар тўғрисидаги ҳақиқатни ҳаммага тушунтириш ниятя борлигини айтди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

▲ **ХАНОЙ.** Нгиабинь вилоятидаги Кетхань жамоасига Н. К. Крупская номли халқаро мукофот топширилди. Бу жамоат катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш соҳасида юксак натижаларга эришганлиги учун шу мукофотга сазовор бўлди.

Катхань шу мукофотга сазовор бўлган Вьетнамдаги иккинчи жамоадир. Сентябрь ойининг бошларида Камбоджа жамоасига ана шундай мукофот топширилган эди.

▲ **КОТОНУ.** Бенин Халқ Республикасининг президенти М. Кереку Эфиопия революциясининг беш йиллиги муносабати билан Муваққат ҳарбий-маъмурий кенгаш Раиси Менгисту Хайле Марямга йўллаган мактубида Бенин Халқ Республикаси билан Социалистик Эфиопия ўртасидаги ҳамкорлик ва жанговар бирдамликни мустаҳкамлаш кераклигини билдирди.

▲ **ҚОҲИРА.** Саудия Арабистонининг валиаҳд шаҳзодаси Фаҳд араб ва ислом давлатларининг ҳаммасига мурожаат қилиб, Тель-Авивнинг Ливанга қарши агрессиясига чек қўйиш учун актив чоралар кўришга даъват этди.

(ТАСС).

ЧИЛИ ВАТАНПАРВАРЛАРИ БИЛАН БИРДАМЛИК

Жаҳон халқлари Чилида жиноятчи Пиночет хунтаси кучайтириб юборган репрессияларга қарши ғаҳр-ғазаб билан норозилик билдирмоқдалар. Яхши ниятдаги кишилар ҳарбий фашист режимига қарши, сиёсий маҳбусларни озод қилиш учун, демократлаштириш учун курашни кучайтираётган шу мамлакатнинг ватанпарварлари билан бирдам эканлиги тўғрисида планетанинг ҳамма қисмидан хабарлар келиб турибди.

ГАВАНА. Кубанинг ҳамма қисмида жиноятчи фашист хунтага қарши курашни давом эттираётган қаҳрамон Чили халқи билан бирдамлик митингларида намойишлари бўлиб ўтди.

Гавана, Матансас, Сантьяго-де-Кубада ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида меҳнаткашлар Чили фашистларининг қонли репрессиясини кескин қораладилар ва Чилининг курашаётган ватанпарварларини астойдил қўллаб-қувватлаётганликларини билдирдилар.

АДДИС-АБЕБА. Эфиопиянинг тинчлик, дўстлик ва бирдамлик комитети Эфиопия халқи Чили ватанпарварларининг Пиночет фашист режимига қарши олиб бораётган адолатли курашини қизғин қўллаб-қувватлаётганлигини яна изҳор қилди.

Чили халқи билан бирдамлик ҳафталиги тамом бўлиши муносабати билан (бу ҳафталик Жаҳон Тинчлик Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган эди) эълон қилинган баёнотда Эфиопия комитети Пиночет режимини кескин қоралади, бу режимни Марказий разведка бошқармасининг рухсати ва қўллаб-қувватлаши билан Чили халқ оммасига қарши шафқатсиз бебошлик қилишда ва фашист идора усулини қўлланишда айблади.

САН-ФРАНЦИСКО. Бу ерда Америка жамоатчилигининг фашист истибдодига қарши қаттиқ кураш олиб бораётган Чили ватанпарварлари билан оммавий бирдамлик намойиши бўлди. Бу намойиш «Яшасин Чили. Йўқолсин хунта!», «Сиёсий маҳбусларга озодлик!», «Жаллодларни қўллаб-қувватлашга чек қўйилсин!» деган шиорлар остида ўтди.

Ирқий ва сиёсий репрессияларга қарши курашувчи миллий иттифоқнинг ҳамраиси Анжела Дэвис намойишдан кейин ўтказилган митингда бундай деди: Чили асорат исканжасида азоб чекмоқда. Америка монополиялари, Пентагон ва Марказий разведка бошқармаси Пиночетни қўллаб-қувватламоқда. Улар жаллодларнинг қонхўрлиқдан иборат сиёсатига йўл-йўриқ кўрсатмоқдалар. Бу жаллодлар, деди Дэвис, уларнинг Чили халқи бойлигини талашига йўл очиб бермоқдалар. «АҚШда яшлар чиқарилган» деган тамға Чили фожиасини вужудга келтирди.

МЕХИКО. Мексика конгрессининг депутатлари бундан олти йил муқаддам фашист қотиллар қўлида ҳалок бўлган Сальвадор Альенде хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар. Конгресс депутатлар палатаси Чили халқининг озодлик ва демократия йўлидаги курашига бағишланган махсус мажлис ўтказди. Палатанинг турли сиёсий партияларига мансуб бўлган депутатлари ўз нутқларида Пиночет фашист диктатурасини қатъиян қоралаётган, бу диктатура Чилида инсон эркинликлари ва ҳуқуқларини поймол этаётганлигига лаънат ўқидилар.

(ТАСС).

МУСТАҲКАМ ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР

КОБУЛ. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси Н. Тараки ўртасида Москвада бўлиб ўтган дўстона учрашувга Афғонистон пойтахтида катта аҳамият берилмоқда.

Москвадаги учрашув Совет Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга ёрдам берди. Бу муносабатлар Апрель революциясидан сўнг ҳамда дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган кундан кейин янги босқичга кўтарилди, деди АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, АДР олий ва ўнер-таълим министри Маҳмуд Сумэ ТАСС мухбири билан суҳбатда. Империализм ва реакция доиралари АДРга қарши фитналар тўқиётган, ёш демократик Афғонистоннинг ривожланиш йўлида ғовлар вужудга келтираётган ҳозирги кунда Совет Иттифоқи бизга берастган кенг кўламдаги мададни гоят зўр миннатдорлик билан қабул қиламиз, деди у.

АХДП Марказий Комитетининг секретари, АДР пленипотенциар вазири Содиқ Оламёр қуйидагиларни айтди: Л. И. Брежнев билан Н. Тараки ўртасидаги шу учрашув давлатлараро муносабатларни ва партиялараро алоқаларни мустаҳкамлашга янада кўпроқ даражада имкон беради. Афғон халқи билан бизнинг партиямиз ана шу муносабатлар иккала мамлакат халқларининг манфаати, регионимизда ва бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида тобора мустаҳкам бўлишига ҳаракат қилмоқдалар. Москвадаги учрашув муҳим аҳамиятга эгадир, чунки у иккала қўшни мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустаҳкамлигини яна бир бор намойиш қилди, деди у.

Р. МУСИН,
(ТАСС мухбири).

СПОРТ

Республикамиз пойтахтида ўсмирлар ўртасида автомодель спорти бўйича СССР шахсий-команда биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Мусобақада иттифоқчи республикалар ҳамда Москва ва Ленинград шаҳарлари командалари иштирок этди. Баҳсга пухта ҳозирлик кўрган грузин ўсмирлари 1435 очко жамғариб, голиблик қилишди. Белоруссия ва Латвия республикалари командалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди. Суратларда: (чапдан) 1. Мусобақада радио орқали бошқариладиган модели билан иштирок этган грузин спортчиси Д. Асатиани. 2. Ереванлик А. Дарбинян (ўртада) учрашувда биринчи ўринни эгаллади. У командадошлари К. Заргарян ва К. Амирханянлар билан. А. Горокрин фотоси. (ЎзТАГ).

Сўнгги уриниш.
В. Таран фотоэтюди.

АХЛОҚ МАВЗУИДА

БИР ТОМЧИ ЁШ

Суд кетяпти. Қора курсида ўтирганларнинг ҳаммаси бошларини қуйи эгиб, ўтган воқеани шарҳлаб бериш учун чақирилган гувоҳнинг сўзларига қулоқ солаётгандек индамай ўтиришарди. Баъзибаъзида хўрсиниб-хўрсиниб ўз қилмишларидан пушаймон бўлаётгандай, афсусланишаётгандай кўринишади. Ким билсин, эҳтимол шундайдир. Аммо, ҳозир ҳар қанча пушаймон қилмасинлар энди фойдаси йўқ. Ахир, сўнгги пушаймон- ўзинга душман, дейишади-ку. Ҳозир залда ота-оналари, оналари кўз ёш қилиб ўтиришганини ҳам сезишмайди, ҳис қилишмайди.

Мана очиқ судда иштирок этаётганлар қаторида судланувчилардан бирининг ҳам кекса онаси жимгина, гамгин ўтиришди. У дамо-дам дастрўмоли билан хиралашган кўзидаги ёшни артиб қўяди. У бир парча этлигидан боқиб, кечалари ҳаловат билмай, кундузлари парвона бўлиб, оқ сут бериб, бутун меҳр-муҳаббатини бағишлаб ўстирган ўғлининг тақдири шундай кечади, деб сира ўйлаганмикин. Ахир у ўглим улгайса, қариган чоғимда белимга мадор, кўзимга нур бўлса, тўй-томошалар қилсам, одамлардек яшасам, деган не-не орзу-умидлар қилган эди-я. Энди-чи?

Фарзандлик бурчига риёят қилиб, инсонлик шаънига доғ туширган Нуриддин Тўлаганов, Неъмат Ўлмасов, Наримон Муҳамедов ва Александр Чернишовлар она деган сўзнинг қадр-қиммматига етишармиди. Улар ҳатто инсоний бурч нима эканлигини ҳам ҳис қилишмаган. Аксинча, муштпар оналарини хўрлаб, ҳақоратлаш, хорлаш ҳозир қилишгача бориб етишган.

Халқимизда саёқ юрсанг — таёқ сийсан, деган ҳикматли нақл бор. Унинг маъносини чақиб, ўз хатти-ҳаракатлари ҳақида бундоқ ўйлаб кўрмаган. «Ташметростой»да ўровчи бўлиб ишлаётган Нуриддин Тўлаганов кўпинча ишдан кейин, баъзан иш вақтларида, дам олиш кунларида спиртли ичимликлар ичиб, маст ҳолда жамоат тартиб-қоидаларини бузадиган, катта-кичикни менсимайдиган бўлиб қолди. Оиладаги тарбиявий муҳитнинг носоғломлиги, боланинг тақдирига бефарқ қаралиши оқибати Нуриддинни ана шу хулосага олиб келди. Нуриддин кейинчалик бўлса ўз пулига, бўлмаса бошқаларнинг ҳамёнига кўз олайтириб ичкиликка янада кўпроқ ружу қиладиган, баъзида йўловчиларга зўрлик қилиб, улардан пул талаб қиладиган одат чиқарди. Шундай кунларнинг бирида у Ҳадрадаги пивохонада тўйгунча ичиб чиқди-да, гандираклаб йўлга тушди. Боши айлангандан троллейбусдан тушолмай Ўрда бекатига келиб қолганини ҳам билмади. «Бош жуда лўқиллатяпти-да, яна озгина отиб олсам бўлармиди», деган ўй билан ҳамёнини кавлади. Чўнтагида фақат тўрт сўм пул бор экан. Яна бир сўм бўлса, «оқ»идан олиш мумкин, лекин қаердан олсам бўларкин, деб атрофига кўз югуртирди. Бир вақт бекатда троллейбус кутиб турган йигитга кўзи тушди. Тебраниб, унга яқинлашди.

— Қаерда турасан? — деб сўради Нуриддин ундан. Йигит қаерда туришини айтгандан сўнг, Нуриддин унга ароқ ичишликни таклиф қилди.

— Ака, кечирасиз, вақтим йўқ. Мен ичмайман.

Бундай жавобдан жаҳли чиққан Нуриддин янада дўқ уриб, пул талаб қилди